



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 107 (9.604) 2001 йил 12 сентябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Самарқанд вилояти Кенгашининг сессияси



11 сентябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Самарқанд вилоятида Олий Мажлисга сайланган депутатлар иштирок этди.

Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Самарқанд вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётида тугган ўрни ва салоҳиятига юксак баҳо берди. Ўтган ўн йил мобайнида бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд ви-

лоятда ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида талай ишлар қилинди.

Лекин сўнгги пайтларда вилоятда мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, кенг омма, шаҳар ва туманлар фаолларининг бошини қовуштириб, барчани умумий мақсад сари сафарбар этиш борасида талай камчиликлар борлиги яққол кўзга ташлана бошлади. Хусусан, халқ ҳужалигининг етакчи тармоғи бўлган саноатни ривожлантириш

борасидаги ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Бунини шу йилнинг ўзига мавжуд 112 та саноат корхонасидан 28 тасида ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетганида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятда пахта топириш буйича давлат буюртмаси уч йилдан, ғаллачилик соҳасида эса икки йилдан буён бажарилмапти. Кичик ва ўрта бизнесга эътибор замон талаблари даражасида эмас.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Э.Рўзиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар Жиззах вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Ш.Мирзиёевни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Қасридаги И.Абдуллаев, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раҳбари Б.Шаропов, Нарпай ва Каттақўрғон туманлари ҳокимлари А.Жамилев ва М.Худоев, Самарқанд шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Шокирова ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг нутқида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

Анвар БОБОВЕВ,
Уйғун РЎЗИЕВ,
Ў.А. Мухиблар.

СУРАТДА: сессия пайти.
Муҳаммад Амин олган сурат.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

ШАХРИМИЗДАГИ «Кўшча нури» болалар ўйингоҳида «Соғлом авлод учун» жамғармаси Бектемир туман бўлими ва туман КРИДИ клуби ташаббуси билан тумандаги имконияти чекланган болаларнинг тасвирий санъат ҳамда графика бўйича яратган асарлари фестивали бўлиб ўтди. Оналар ва болалар йилига бағишлаб ўтказилган ушбу фестивалда иштирок этган 35 нафар болаларнинг «Соғлом авлод учун» жамғармасининг эътиборига сазоворлиги топирилди. Фестивалда қўлланган ушбу санъат кўрсаткичи Тошкент шаҳар босқичида катнашди ҳуқуқни қўлга киритишди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ халқ банкларида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан олий ўқув юрти талабаларига ўзқў ва қисқа муддатли таълим кредитлари бериш бошланди. Шунини эътиборлики, қарорга қўра талаба мактабига олган 1-2 гуруҳ ногиронлари халқ банкларида фойсиз кредит олишлари мумкин.

РЕСПУБЛИКА киночилар уйда ўтган шавбадан бошлаб Япония фильмлари фестивали бўлиб ўтмоқда. Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва ўзбек-япон маркази ташаббуси билан ташкиллаштирилган ушбу нуфузли санъат анжумани Тошкентда 16 сентябрдан 22 сентябрга қадар давом этади.

МИРЗО Улугбек туманидаги Хумоюн маҳалласида маҳалла кўмитаси ташаббускорлигида гузар майдонда 2 та фавора бунёд этилди.

ЎТГАН кўни Чилонзор туманидаги «Олмасор» маҳалла-

сида туман маданият ишлари бўлими ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида маҳалла фуқаролари иштирокида ўтказилган тадбир Оналар ва болалар йилига бағишланди. ШУНИНГДЕК Мирзо Улугбек туманидаги «Шахриобод» маҳалласида Оналар ва болалар йили муносабати билан туман ҳокимлиги, АҚШнинг Ўзбекистондаги инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи «Моринг концерн» фирмаси ҳамда маҳалладаги саховатпеша ишбилармонлар ҳомийликларида бўлиб ўтган тадбирда 15 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига кийим-кечак, мактаб ўқув қуроллари инъом этилган бўлса, яқиндагина турмуш қурган 3 нафар янги ёш оила аъзоларига, айнан шу кўни 85 ёшга кирган Жўра ота Шерматовга ҳамда 70 ёшини қаршилайётган Бердикул ота Холматовга эсдалик совғалари инъом этилди.

ЎТГАН кўни шаҳримиз бозорларида Тошкент ва бошқа вилоятлардан келтирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ярмаркаси низомига ўтди. Бир ойдан зиёд вақт мобайнида пойтахтимиз бозорларида нафақат қишлоқ ҳўжалик, балки саноат маҳсулотлари ҳам шаҳарликларга тортиқ этилганлиги билан ушбу ярмарка аҳамияти юксалди.

ЎТГАН кўни эндигона 10 ёшни қаршилаган ҳамюртимиз — энг ёш санъаткор Сўҳроб Кенжаев Италиядан Тошкентга қайтиб келди. Италияда ўтказилган ёш қўшқичлар фестивалида иштирок этиб совринли ўринлардан бирига сазовор бўлган Сўҳроб энди Қозғистонга — халқаро кўрик-танловда иштирок этиш учун жўнаб кетади.

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари қўра Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинланди ва Жиззах вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қўра Эркин Рўзиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатларнинг раҳбарларидан мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан самийий дил сўзлари изҳор этилган кўтловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис олтинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Португалия ташқи ишлар вазир Жайме Гама бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари А.Қомилов билан учрашди. Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси билан Португалия Республикаси ўртасида бир қатор қўшма ҳужжатлар имзоланди. Португалиялик меҳмонлар Олий Мажлисида парламент Раисининг ўринбосари Бугров билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг спорт-соғломлаштириш мажмуида Миллий банкнинг 10 йиллигида бағишланган тантаналар ўтказилди.

Бекобод шаҳридаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида қўра ва рангли металл парчаларини йиғиш ва тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг йилгилиш бўлиб ўтди.

Кеча пойтахтимизда «Ўзбекистон — Россия: изчил оқтараққиёт йўлида» мавзuida халқаро учрашув бўлиб ўтди.

Наманган вилоятида еттинчи марта анъанавий Оила кўни ўтказилди.

Тошкентда юртимиз кутубхоналарига «EBSCO publishing» компаниясининг электрон маълумотлар базасини топириш маросими бўлиб ўтди.



Жаҳонда

Америкадаги кўпоровчилик ҳаракатлари



Кеча Нью-Йоркда маҳаллий вақт билан соат 9 лар атрофида Жаҳон савдо марказининг иккита осмонўпар 110 қаватли биносидан бирига «Боинг-757» лайнери келиб урилди. Орадан 18 дақиқа ўтган бошқа самолёт — «Боинг-737» марказнинг иккинчи минорасига, 82-85-қаватларига келиб урилди. Худди шу вақтнинг ўзига АҚШ пойтахти Вашингтонда Пентагон биноси қанотларидан биригининг бевосита яқин жойида яна бир йўловчи самолёт иттириб қолди. Шунинг оқибатида бу ерда қучли ёнғин бошланди. Ана шу вақтда Флоридада бўлиб турган АҚШ Президенти Ж.Буш миллатга шошилинч равишда қилган телевидение орқали мурожаатида юз берган ҳамма ҳодисаларни кўпоровчилик ҳаракатлари деб атади. Бу бинолар нафақат Нью-Йоркдаги энг баланд бинолар эди, балки булар Нью-Йоркнинг ўзига ҳос тисмол ҳам эди. Бу бинода 50 мингга яқин ходим ишлар эди. Осмонўпар бинонинг айниқса машҳур жаҳонлигини эътироф этганда, ундаги айтишларни ҳисобга олганда бир вақтнинг ўзига бу ерда юз мингдан то 150 минггача киши бўлган бўлиши мумкин. Иш кўни бошланганлигини ҳисобга олганда, фожиа рўй берган пайтда Жаҳон савдо маркази биносидан 25 мингга яқин киши бўлган бўлиши мумкин. Бироқ, қатор ахборот агентликларининг хабарига қўра, бу рақамлар тахминий бўлиб, гарчи ҳозирнинг ўзидаёқ ҳалок бўлганларнинг сони бир неча минг кишини ташкил этган бўлсада, ҳеч ким ҳалок бўлганларнинг аниқ миқдорини айтолмади. Вашингтондаги Пентагон биноси бир қанотининг қулаши оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони 100 кишидан зиёд деб айтишмоқда. Бундан ташқари ўғирлаб кетилган тўртта самолёт ичда умумий миқдорда 266 киши бўлган, бу самолётларнинг учтаси Нью-Йорк ва Вашингтондаги фожиянинг сабабчилиги айланиб, битта йўловчи самолёт эса уни қўрган кишиларнинг гувоҳлигига қараганда осмонда портлаб кетган ва Питтсбург шаҳри яқинидаги ўрмонга қулаган. Барча тўртта самолёт «Америка эйрлайн» ва «Юнайтед эйрлайн» авиакомпанияларига қарашли бўлган ва бу самолётлар олдидан режалаштирилган рейсларни бажарган. Кўн мобайнида ҳаммаси бўлиб 11 та самолётнинг ўғирланганлиги ва олиб қочилганлиги тўғрисидаги маълумотлар тахмин қилинмоқда, бироқ бу маълумотлар тасдиқланмади. АҚШнинг барча ҳаво йўллари бекитиб қўйилди, Америка ҳудуди устида бўлган барча самолётлар Канадага қўниш учун йўл олмоқда. Кечқурун Нью-Йоркда рўй берган ёнғин оқибатида Жаҳон савдо маркази билан ёнма-ён жойлашган яна бир бино — 47 қаватли «Соломон Бразерс» биноси қулаб тушди. Вашингтонда фавқулодда ҳолат жорий қилинди. Ҳеч ким ана шу юз берган даҳшатли кўпоровчилик ҳаракатлари учун масъулиятни ўз гадарига олмади. Жаҳон ҳамжамияти ана шу кўпоровчилик ҳаракатларини яқдиллик билан қораллади ва Америка халқига ҳамдардлик ва бирдамлик изҳор қилмоқда.

Бугун Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Ч.Жунцзининг Қозғистонга расмий ташрифи бошланади.

Беларусь Марказий сайлов комиссияси А.Лукашенконинг президентлик сайловларидаги ғалабасини расмий равишда эълон қилди.

Норвегияда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

Кеча Индонезия Президенти Мегавати Сукарнопутри мамлакат миллий полицияси раҳбари генерал Бимонторони истефого чиқаришни билдирди. Мазлумки, генерал Бимонторо билан собиқ Президент Абдурахмон Воҳид ўртасидаги келишмовчиликлар ўзоқ вақт давом этганди.

Россия Президенти В.Путин Оқ уй раҳбари Ж.Буш билан шу йилнинг октябры ойида Шанхайда бўлиб ўтадиган ўзаро учрашувлар олдидан телефон орқали мулоқотда бўлди.

Афғонистондаги муҳолифат қўлавларининг етакчиси Аҳмад Шох Мазсуудга қўлинган суиқасд ҳақида қарама-қарши хабарлар тарқатилмоқда. Бу хабарларнинг базиларида Мазсууд яраланган дейилса, базиларида ҳалок бўлган дейилмоқда. Мазсууднинг матбуот котиби М.Муҳаммад Юнус Қонунийнинг чет эл ахборот агентлиги мухбирига берган хабарига қўра, қўмондон ўзининг Ҳўжа Баҳавуддин қароргоҳида араб журналистлари билан суҳбатлашганда видео камера портлаши натижасида қўл ва оёғидан яраланган ва у даволанди экан.



Хаяжонга бой беллашувлар

Илгари хабар килинганидек, 10 сентябрь кўни шаҳримиздаги «Юнусобод» теннис мажмуасининг марказий кортида саккизинчи марта Президент Кубоги халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Ушбу ажойиб спорт саройида теннис бўйича саккизинчи бор ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнирининг барча иштирокчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қўлаш менга мамнуният бахш этади, — деди давлатимиз раҳбари. — Мазкур турнир мамлакатимиз, халқимиз ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаётган ушбу кўнларда ўтказилган билан алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз ушбу мусобақа, энг аввало, дунё теннисининг тан олинган усталари иштирок этаяти билан ҳам катта нуфузга эга эканлигини таъкидлади. Мазкур теннис усталари ҳақли равишда чиройли, оммавий ва жозибадор бу ўйин мухлислари, айниқса, ёшларимиз ибрат олса арзийдиган кишиларга айланди.

Дарҳақиқат, Президентимиз алоҳида ҳурмат билан номларини тилга олган Евгений Кафельников, Марат Сафин, Доминик Хрбаты, Николас Кифер, Марк Россе каби катта ракета усталарининг бетакдор маҳорати орқали спортнинг ушбу гўзал ва оммабон тури мухлислар эътиборини тобора қозониб бормоқда.

Президент Кубоги мусобақаларини кузатиш учун АТФ директорлар кенгашининг аъзолари Грэм Пирс ва Дэвид Фелпснинг келгани ҳам турнирнинг мақоми ва нуфузи қанчалик юқори эканлигидан далolat беради. Давлатимиз раҳбари турнирдаги иштирокчи учун уларга ҳам миннатдорчилик изҳор этди.

Бу йил «Президент кубоги» турнирининг соврин жамғармаси янада кўпайди. У 550 минг АҚШ долларини миқдорда белгиланган.

Турнирда йигирмадан ортиқ давлат, жумладан, АҚШ, Россия, Франция, Германия, Италия, Исроилнинг таниқли теннис усталари катнашапти. Уларнинг аксарияти дунё теннис рейтингига энг юқори ўринларни эгаллаб турган спортчилардир.

Мусобақанинг очилиш маросимида Президент Кубоги турнирининг асосчиларидан бири Сассон Кашури ҳам сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг қисқа вақт ичда жаҳоннинг теннис жуда ривожланган давлатлари сафи-



дан жой олганлиги, Президент Кубоги мусобақаси эса Осиё қитъасидаги энг нуфузли турнирга айланганлигини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислам Каримов мусобақани очиб деб эълон қилганидан сўнг кортга турнирнинг энг қучли қатнашчиларидан саналмиш германиялик Николас Кифер ва чехиялик Даниил Вацеклар тушди. Энг қизиги, ушбу дастлабки ўйиндаёқ турнирнинг энг шов-шувли натижаси юз берди. Зеро, бугунги кўнда жаҳоннинг энг қучли теннисчиларидан бири, 1999 йилги Президент Кубоги мусобақаларининг ғолиби, беқиёс қучли тўп ошириш маҳоратига эга Николас Кифер учун ушбу ўйин низоиятда мураккаб кечди. Дастлабки сетдаёқ ўзининг соатига 204,196, 193 километр тезликдаги эйслари билан 4/1 ҳисобида олдинга чиқиб олган Киферга рақиб тезда етиб олди ва биринчи сетда 7/5 ҳисобида устун келди. Иккинчи сетни ҳам 6/4 ҳисобида ўз фойдасига хал қилган Вацек нимчорак финалга йўланма олди.

Марказий кортга кейинги ўйинда славакиялик яна бир қучли теннисчи Доминик Хрбаты ва ҳамюртимиз Дмитрий Томашевичлар тушишди. Низоиятда кескин ўтган ушбу баҳсда Хрбаты 7/6(5), 6/4 ҳисобида ғолиб чиқди.

Биринчи кўндаги қолган беллашувлар кўйидаги натижалар билан тугади:

ди: Тайлер Дэнт (АҚШ) — Ян Симе-риник (Голландия) — 7/6 (8), 7/5, Ян Крослак (Словакия) — Мишел Краточ-вил (Швейцария) — 6/2, 6/3, Рафтер Шуттлер (Германия) — Андрей Столя-ров (Россия) — 6/2, 6/3, Кристиан Плесс (Дания) — Томас Кетела (Фин-ляндия) — 3/6, 6/3, 6/1.

Кейинги ўйинда Огородов дания-лик Кристиан Плессга қарши кортга тушди. Ушбу ўйинда ҳам ютса қуръа-га қўра ярим финалда турнирнинг биринчи ракеткаси Марат Сафинга рўпара келади.

Кеча ўтказилган бошқа учрашув-лар кўйидаги натижалар билан туга-ди: Парадорн Сричанан (Тайланд) — Хавьер Малисс (Бельгия) — 2/6, 6/3, 7/6 (6), Антон Дулиус (Франция) — Михаил Южний (Россия) — 7/5, 5/7, 6/3, Марк Россе (Швейцария) — Иво Карлович (Хорватия) — 7/6 (3), 6/3, Сержис Саргисан (Арманистон) — Жо-льен Буттер (Франция) — 6/4, 6/4.

асосий сетдаги учинчи теннисчи-симиз Вадим Куценко ўзининг дастлаб-ки ўйинини австралиялик Стефан Кубекка қарши ўтказди. Ушбу ўйин-дан кейин марказий кортда дастлаб Марат Сафин, сўнг эса Евгений Ка-фельниковлар ҳам турнирдаги би-ринчи беллашувларини ўтказишди. Олег Огородов эса Даниил Вацек билан бирга жуфтликдаги ўйинда қатнашди.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТДА: турнирнинг тантана-ли очилиш ва дастлабки белла-шувлардан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



МУЛКДОР

№ 1. Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг саҳифаси

Мустиқиллик йилларида пойтахтимиз иқтисодиётида жиддий тузилмавий силжишлар, мулкчилик муносабатларида туб ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурлари ҳисобига кўп тармоқли иқтисодиёт вужудга келди, иқтисодиётнинг нодавлат сектори муҳим аҳамият касб эта бошлади. Тадбиркорликка кенг йўл очилди, кўчмас мулк ва қимматбаҳо қозғолар бозори шаклланди. Бозор инфраструктурасининг кўп сонли институтлари ташкил этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Бошқарма бошлиғи Равшан ПУЛАТОВ амалга оширилган ишлар ва олдиларига қўйган мақсад ҳамда вазифалар хусусида қуйдагиларни гапириб берди.

— Мустиқиллигимизнинг илк йилларида бошланган хусусийлаштириш жараёнида аввало турар жойлар, савдо, умумий оқватланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кичик ва ўрта корхоналар, кейинчалик эса йirik саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Мулкчиликка бўлган муносабат ўзгарди. Кўз ўнгимизда магазинлар, ошхона, қаҳвахона, ресторан, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобилларга ёнишли қўйиш шохобчаларининг иши яхшиланди, улар ўртасида рақобат кучайди. Бу

ларни жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси ва бошқармаси томонидан бир қатор чет эл ваколатхоналари, фирма ва компаниялари билан музокаралар олиб борилмоқда, корхона тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга бўлишлари учун ушбу корхона билан аяқдан таништирилмоқда. Бугунги кунда «Узнефтьгаз» минот» акциядорлик компаниясининг акциялари «Polrol M&M» (Польша) компаниясига 424,7 минг АҚШ долларига сотилди.

Йил давомида фонд бозорида 65 та акциядорлик жамиятининг 1473,3 миллион сўмлик акциялари сотилди. Асосан, «Ўздоммаксулот» ДАК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқ-машхолдин» таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг акциялари сотилди.

Бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш ва қимматли қозғолар бозори катнашчилари фаолиятини бошқариш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда акциядорлик жамиятларининг чорак ҳисоботлари ва инвестиция институтларининг ҳисоботларини белгиланган шакллари бўйича олий хисоботлари, шунингдек акционерларнинг умумий мажлисларининг ўтказилиши устидан ҳам назорат амалга оширилди.

Йил давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя этилиши юзасидан 82 та акциядорлик жамиятларида текширувлар ўтказилиб,

• Тошкент шаҳри бўйича 8 мингта юридик шахс мақомига эга бўлган давлат корхоналари мулкчилик шаклини ўзгартириб, уларнинг негизда 4 мингдан ортиқ турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил топди.

• Йил давомида фонд бозорида 65 та акциядорлик жамиятининг 1473,3 миллион сўмлик акциялари сотилди.

• Кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида пойтахт бўйича умумий миқдори 2913,0 минг АҚШ доллари, 4457,7 минг немис маркаси ва 2824,1 минг евродан иборат бўлган 9 та инвестицион лойиҳа молиялаштирилди.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Нон-паста» корхонаси 1995 йилнинг 15 июлида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг 165х-ПО буйруғига асосан мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери олиб, ўша йилнинг 12 октяб-ридан бошлаб акционерлик жамияти сифатида иш бошлаган.

Аслида корхона 1970 йилда республикада нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати сифатида иш бошлаган ва халқимиз дастурхонини ана шундай маҳсулотлар билан таъминлашда ўзига хос ўрни бўлган. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи йилларида қўллаб-қорхоналар қаторида бу жамоада ҳам ўзига яраша муаммо ва қийинчиликлар юзага келди.

— Бозор муносабатлари кенг ривожланиб, ишлаб чиқариш орасида рақобат пайдо бўлган сари ўз навбатида муаммолар бизнинг корхонани ҳам четлаб ўтмади, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Фарход Маликов. — Йилларни 40-50 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қодир корхонанинг ўз қувватларини ўзлаштириши 15-20 фоизга камайиб кетди ва ўз навбатида бундай вазиятда унинг иқтисодий фаолияти оғирлашиб, айланма маблаг ва олинмаган даромад пасайиб кетди. Албатта, мавжуд имкониятларни ишга солиб, асосий корхонадаги ишлаб чиқариш қувватларини, ишчи ўринлари ва таркибли муҳассисларни сақлаб қолиш ниятида корхонамиз давлат тасарруфидан чиқарилди ва унга қарашли 5 та завод мустиқил ҳар хил мулкчилик шаклида фаолият юрита бошлади.

Шубҳасиз, «Излаган имкон топади» деганларидек, корхона мутаассадилари ишчи жамоа худудидан янги услубда иш юритиш мақсадида кичик цехлар ташкил этиш керак, деган ҳулосага келишди. Цехларни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашга, маҳсулотнинг хараидориги турларини яратишга, ҳорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга асосий эътибор қаратилди. Корхона билан ишлаш такли-

Биз мулкдорлар синфини шакллантирар эканмиз, ўз навбатида бу орқали одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати, тафаккур тарзи, аҳоли-мизнинг менталитети ва дунёқараши-ни ҳам ўзгартиришга эришган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ



Акциядорлик жамиятларида

Талаблар даражасида

фини биринчилардан бўлиб Лихтенштейн князлигида жойлашган «С.Истампмент» фирмаси қабул қилди ва фирма билан ҳамкорликда нисом жа-мғармаси 1 миллион АҚШ долларига тенг «Паста-Камола» қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонага Италиядан келтирилган картошка чипслари ишлаб чиқаришдаги линия ўрнатилди ва сифатли ва рақобатбардор маҳсулотнинг 4 хили тайёрланмоқда. Шунингдек, қўшма корхонада ўтган йилдан бошлаб хориждан келтирилган янги линияларда печенье-ларнинг бир неча тури ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотларнинг бир қисми чет элга экспорт қилинган қувончлидир.

Корхонанинг қандолат цехи-га ўтган йилда Германиянинг вафли ва ширинликлар тайёрлайдиган Германия ҳамда мазали печенье-лар тайёрлайдиган Россия дастгоҳлари ўрнатилди. Албатта, замонавий технологияларда иш юритиш ўз самарасини бермоқда. Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сифати ва хилма хил хараидориги турларда ортиб бормоқда. 1999 йилда 88 миллион сўм фойда олин-иб, ҳар бир акцияга 880 сўмдан дивиденд тўланган бўлса, 2000 йилда 7911 минг тонна макарон, 164 тонна қандолат, 276 тонна нон маҳсулот-

лари чиқарилиб 100 миллион сўм фойда қўрилди. Йил якуни-га қўра акциядорлар йиғили-лишининг қарори билан фойда ишлаб чиқаришнинг янада ривожлантиришга сарфлана-диган бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўртача иш ҳақи 2 баравар ортиб 32 минг сўмга етди. Жорий йилнинг 7 ойида 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлинди, маҳсулот турлари 63 хилдан ошди.

— Энг муҳими, корхонамиз-да меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-хизматчи мулкка бўлган муносабати ўзгариб, мулкдор-лик ҳисси ортиди, — дейди қандолат цехи устаси Лола Салимова. — Баракали меҳна-тимиз, корхонадаги ҳар бир дастгоҳни авайлаб-асрашимиз ўзимизнинг моддий ман-фаатдорлигимизга, жамоамиз равақлига хизмат қилиши-ни жуда яхши англаб етдик.

Бугунги кунда 237 ишчи-

хизматчи фаолият кўрсатаёт-ган ушбу корхона мулкдорла-рининг ўз олдига қўйган мақ-садлари улкан. Яқин кунлар-да улар яна 2 та қўшма корхо-нани ишга тушириш ҳаракати-да. Улардан бири Италия дав-лати билан ҳамкорликдаги макарон ишлаб чиқариш кор-хонаси бўлади. Энг муҳими эса жамоа ахли ўз вазифа-ларини юксак даражада англа-моқда ва маҳаллий хом ашё-дан сифатли ва рақобатбар-дор маҳсулот тайёрлашга эришмоқда.

СУРАТЛАРДА: акциядор-

лик жамияти қошида та-

шкил этилган «Паста-Камола»

қўшма корхонасининг «Бан-

тон» печенье-лари ишлаб

чиқарувчи цехи оператори

Мафруза Аъзамова (олдин-

да) ҳаммасаблари билан иш

устиди; макарон цехи илг-

ор ишчиси Тамара Григор

маҳсулотнинг сифатли

бўлишига ўз ҳиссасини

қўшади.

Тоҳир Нигматуллин

олган суратлар.



Кимошди савдолари

Ер майдони керакми?

Маълумки, аввалги бош универсал ма-газини қайтадан таъмирланиб, бу жойда янги иш бошлаган «Чорсу савдо маркази» ўз жойларини кимошди савдоси орқали ху-сусий тадбиркорларга тақсимлаган эди. Бу ишларни қонуний, халқаро стандартлар асосида ташкиллаштиришда Тошкент ша-ҳар муниципал биржа марказининг фа-лолияти алоҳида эътиборга эга.

Муниципал биржа икки йил илгари Тош-кент шаҳар ҳокимлиги қарори билан ташкил қилиниб, тендер (танлов), ярмарка, аукцион (кимошди) биржа савдоларини уюштириш унинг асосий вазифалари сирасига кирди.

— Биржа барча мулк шаклидаги субьект-ларнинг қўчмас ва бошқа мулклари савдоси билан шуғулланади, — дейди муниципал бир-жа директори Миржол Мирҳамидов. — Асо-сий мақсад эса кимошди савдоларини тақо-миллаштириш орқали пойтахтда ҳали мавжуд бўлган бўш турган ишлаб чиқариш, савдо ин-шоотлари, ер майдонларини аниқ ҳисобга олиб, улардан умумли ва самарали фойдала-ниш имкониятларини чуқур таҳлил қилган ҳолда тадбиркорликни ривожлантиришга қар-тилган. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, шу йилнинг биринчи ярмида Шайхонтохур, Сергели, Мирзо Улугбек, Собир Раҳимов, Юну-субод, Акмал Икромов, Миробод, Бектемир ту-манларида муниципал биржа орқали тадбир-корларга ишлаб чиқариш, савдо, маиший хиз-

мат кўрсатиш объектларини қуриб фаолият юритиши учун 36 та ер майдонига ижара ҳуқуқлари берилди. Давлатга ҳам даромад сал-моқли бўлди — бу ер майдонлари ким ошди савдосидан 123,5 миллион сўмга яқин тушди.

«Чорсу савдо маркази»нинг муниципал бир-жа билан ҳамкорликда ўтказилган кимошди сав-досида ҳар хил ҳажмдаги савдо майдонларига ижара ҳуқуқи умумий 114230,0 минг сўмга со-тилди. Биринчи қаватда жойлашган 93 та тама-ки маҳсулотлари савдо нукталарининг 3,2 квад-рат метрдан иборат ҳар бирига бошланғич нарх 45 минг сўм белгиланганди. Кимошди аяқула-ри бўйича ҳар бир нукта 141 минг сўмдан, яъни бошланғич нархдан 3 баравардан кўпроққа со-тилди. 2-қаватда жойлашган 64 та спиртли ичимликларнинг савдо нукталарининг бошлан-ғич нархи 80 минг сўмдан белгиланиб, якуний ҳисобда ўртача 232 минг сўмга тенг бўлди.

3-қаватлардаги 101 та кийим-кечак буюм-

лари савдо нукталарининг 13,2 квадрат метр-

дан бўлган майдонларининг ҳар бири 40 минг

сўмдан 761 минг сўмга кўтарилган бўлса, 85,5

квадрат метрдаги савдо жойининг баҳоси бош-

ланғич 60 минг сўм нархдан ўртача 200 минг

сўмга сотилибди. Албатта, бу кимошди савдо-

сининг яхши ва уюшқоқлида ўтказилганилиги-

дан далолатдир.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Саҳифани Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.

Янгиликлар, воқеалар, хушxabарлар

ФАН

Фазо билимидан сабоқлар

Республикаимизда янги ташкил топган халқаро ёшлар аэрокосмик жағғармаси саъй-ҳаракати билан фазовий билимлар сабоқлари ҳам уюштирила бошланди.

Жағғарманинг «Коинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашма-си, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда рес-публика Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган халқаро аэрокосмик мактаб машғулотлари ҳам яхши са-мара берди.

Таълимий жараёнда 50 га яқин умидли ёш космик техноло-гияларига доир билимлардан баҳраманд бўлди.

Космик кемаларни коинотга учуриш лойиҳасига бағишлан-ган мустиқил ишлар ҳам халқаро мактабда яхши баҳо олди.

Энг яхши изланишлар эса алоҳида экспонатлар янглиғ кўргазмалардан ўрин оладиган бўлди.

Аҳад АЪЗАМОВ

ТАДБИРЛАР

Хизматлари

тақдирланди

Пойтахт қасаба уюшмала-ри Кенгашида қасаба фаол-лари ва ёзи мавсумда қора-қалпоқ фарзандлари ва аёл-ларини соғломлаштириш бо-расида хизмат кўрсатиш қасаба уюшмалари ва турли соҳа ходимларидан бир гуру-ҳини Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши раёса-

тининг қарорига биноан Кен-гашининг Фаҳрий ёрлиғи ва Ташаккурнома билан тақ-дирлаш тадбири ўтказилди. Қасаба уюшма ходимлари ва фаолларига келгусидаги қасаба уюшмалари ва турли соҳа ходимлари билан бир-гунини Тошкент шаҳар қасаба билдирилди.

Улугбек ПУЛАТОВ

ТАЪЛИМ

Лицейда илмий

лаборатория

Ўқувчи ёшларда илмий изланишларга бўлган лаёқатни ўсти-риш, ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш мақсадида жой-лашган «Кичик академия»лар ташкил этилган. Ўзбекистон Мил-лий университети ҳузуридаги профессор Саъди Сирожи-нов номидаги академик лицейда ҳам иқтидорли ёшлар камо-лотига катта аҳамият берилмоқда.

Лицей Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўндан ортиқ илмий тадқиқот институти билан ҳамкорлик ўрнат-ган. Генетика институти билан алоқа аниқсиз, самарали бўлмоқ-да. Мазкур илмий муассаса саъй-ҳаракати билан лицейда цито-генетика илмий лабораторияси очилди.

Янги лаборатория зарур жиҳозлар билан таъминланиб, ил-мий изланишлар олиб бориш учун қулай шaroитлар яратилди. Ҳозир бу ерда иқтидорли ўқувчилар генетика бўйича изланиш-лар олиб боришмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, уларга институтнинг олимлари

илмий раҳбарлик қилишайтир.

Акбар АЛИЕВ

МУРУВВАТ

Болажонлар яйрашди

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кен-гаши ва «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси ҳам-корликда Тошкентбўй Эгам-бердиев номидаги Тошкент Давлат циркида шахримизда-ги барча Мехрибонлик уйла-рида тарбияланаётган ва кам таъминланган оилаларнинг болалари учун қизқарли цирк томошалари ташкил

этди. Шу кунги болажонлар қувноқ масхарабозлар, жасур дорбозлар, чавандоз йигитлар иштирокида ажойиб томоша-лардан баҳраманд бўлишди. Сўнг 21 ва 24-Мехрибонлик уйларида тарбияланаётган бо-лаларга жамиятнинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ажратилган совғалар топши-рилди.

Нигора ИСРОИЛОВА

МАТБАА

Ижод намуналари —


тўпламда

Ҳиндистоннинг пойтахти Дехлида «Шанкар болалар санъати» деб номланган расмлар тўпلامини босмага тай-ёрлашга киришилди. Ундан ўзбекистонлик истеъодли болалар чизган талайгина мўйқалам асарлари ҳам ўрин олади.

Гап шундаки, Дехлида халқаро болалар чизган расмлар қўри-гини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. «Шанкар халқаро болалар мусобақаси» деган мақомга эга бўлган бу маданий тад-бирнинг бу сафарги қўриғида ҳам ўзбекистонлик ёш ижодкор болалар фаол катнашдилар. Уларнинг 15 нафар олий дара-жадаги муқофотлар билан тақдирланди. Тошкентлик икки на-фар истеъодли ўқувчи эса қўриқнинг олтин медалига сазо-вор бўлди.

Фолб болаларнинг ижод намуналари нашр этилаётган «Шан-кар болалар санъати» китобида ёритилди.

Азиз АЪЛОЕВ



Шахримизга ярашлики бинолар.

БОЗОР

№ 2. «Тошбозортайёрловсавдо» акциядорлик жамиятлари уюшмасининг саҳифаси

Шаҳримизда бозорлар кўп. Уларнинг ҳар бири шарқоналиги ва замонавий кўриниши билан узукка кўз қўйгандек бир-бирига ўхшаш бўлса-да лекин баъзи томонлари билан бир-биридан фарқ қилиб туради. Масалан, улар ўртасидаги бундай тафовутларни нарх-наволарда, сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро муносабатларда, қолаверса энг гавжум ва намунали бозор эканлигидан кўриш мумкин. Биз мана шу жиҳатларни ҳисобга олиб ўтган галги саҳифамизда «Энг арзон бозор» сўровини газетхонлар эътиборига ҳавола этган эдик. Ўтган бир ой давомида бу саволимизга оқшомхонлардан кўплаб жавоблар олдик. Тахририятга йўлланган мактублар ва телефон кўнғироқларининг кўпчилигида «Эски Жўва» арзон бозор эканлиги қайд этилади. Биз мана шу истак ва талабларни инобатга олиб ушбу бозор ҳиссдорлик жамияти бошқарувининг раиси Қобилжон Абдуллаев билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан муносабат билан муносабат қилдик.

— Аввало оқшомхонларнинг бозоримиз фаолиятига билдирган самимий истаклари учун уларга жамоамиз номидан раҳмат айтман. Зеро, кўпчилик бозоримизни «Энг арзон бозор» деб тан олган экан, бундан кейин ҳам мана шу устуликни кўлдан бермасликка ҳаракат қиламиз, — дейди мактубларни кўздан кечириб ҳиссдорлик жамияти бошқарувининг раиси.

— Қобилжон, келинг, яхшии суҳбатимиз мавзусини «Энг арзон бозор» деган сўров ташкил этар экан, биринчи галдаги савол-жавобимизни айнан шундан бошлайлик. Қолаверса, бундай тажрибадан бошқалар ҳам ибрат олса ажаб эмас.

— Жуда ўринли гап. Очиғини айтсам ҳамма жойда иш мезонини биринчи навбатда тартиб-интизом белгилайди. Шундан келиб чиқиб, айтсак бўладики, ҳар-да тартиб-интизом бўлса ўша ерда ижобий натижага эришилмади. Иккинчидан, бозоримиз шахсининг қоқ марказида жойлашган. Унга бир кунда минг-минглаб одамлар келиб кетади. Шунинг учун ҳам бизда савват маҳсулотларидан тортиб қуруқ мева-фруктларга, ҳушдан тортиб сўт маҳсулотларига-ча бисёр. Эртдан кечгача расталаримиз турли ноз-неъматларга тўла. Биласиз, маъмурилик бор жойда арзончилик бўлади. Шу ўринда кўш растаси фаолиятдан бир мисол келтирай.

Ҳозир харидорларга 480 ўринли раста хизмат кўрсатмоқда. У куну тун гавжум. Бу ердан шаҳримиздаги кўпгина қаҳвахонаю замонавий барлар, ошхона ва дўконлар мунтазам гўшт харид қилишади. Ҳатто баъзи бир хусусий гўшт дўконларининг кўндалик савдоси ҳам бозоримиз маҳсулотлари билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса эрта тонгда улгуржи савдо авжига чиқади. Бу мисолни бежиз келтирмайман. Чунки савдода «биринчи кўл» деган гап бор. Маҳсулот кўла кўл ўтган сари қимматлашиб бораверади.

Хохлайсизми, хохламайсизми деҳқоннинг вақти хамиша тигиз бўлади. У бозорда чаканалаб ўтурса даладаги юмш қилиб кетади. Шу тудайли вақти беҳуда ўтказмаслик учун деҳқон бозорга олиб келган маҳсулотини кўтара сотиш пайида бўлади. Боя айтганимдек, маҳсулот кўлдан кўлга ўтган сари унинг нархи ошиб бораверади. Бундай ҳолга чек қўйиш ёки чайқовнига ортикча эриқ бермаслик максатда бозоримиз қошидаги савдо харид қорхонаси таркибининг тобора кенгайтириб бораётибди. Бир неча нукта-



Дастурхонимиз тўқинчилиги йўлида



Жўва»нинг ҳам қиёфаси ўзгариб бормоқда. Бозорни айланган киши қатор қурилишлар, янгиланишларнинг гувоҳи бўлади. Фақат бозорнинг ташқи кўринишигина эмас, ҳатто унинг ички таркибида, хусусан, маданий-маърифий йўналишида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Бундай ҳолатни биринчи навбатда сотувчи ва харидор ўртасидаги ҳушмуомалаликда кўриш мумкин.

— Умуман ҳушмуомалалик нафақат савдо ходимининг, балки савдонинг умумий йўналишини ҳам белгилайди. Лекин бозор растаси орасида турган сотувчи билан савдо ходими ўртасида катта фарқ бор. Жамоамизда ҳаммаси бўлиб 177 киши ишлайди. Улардан 42 таси назоратчи. Уларнинг ҳар бири

наرخини белгилаб беришади. Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим бўлади. Бозор одамларнинг кўндалик эҳтиёжини қондирадиган, талаб ва истакларини ўрганадиган жой. Шундай экан, харидор бозордан мамнун бўлиб уйига қайтмоғи керак. Бунинг учун бозорда харидорга ҳам, сотувчига ҳам қулайликларни яратиб бериш лозим бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори юзасидан келиб чиқиб, анчагина ишларни амалга оширган бўлсакда, ҳали қиладиган юмушларимиз кўпчилигини ҳам эътироф этиш керак.

Бугунги кунда бу ерда катта ҳажмда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бо-

ряпмиз. Мисолларга мурожаат қилайлик. Бир йилда бозоримизда савдо ўринларини 500 тага оширишга эришдик. Ойлик нақд пул тушумини 15 миллиондан 20 миллион сўмга кўтардик. Бугунги кунда гўшт ва сўт маҳсулотлари мажмуасини қайта қуришимиз. У октябрь ойи бошида ишга тушади. Мустақиллик байрами арафасида Ибн Сино мавзесидаги шохобча — умуман айтиш мумкинки, ўзига хос каттагина бозорни ишга туширдик. Марказий бозоримизнинг эски гўшт маҳсулотлари мажмуаси ўрнида нон ва қандолат маҳсулотлари растаси қад кўтарди. 630 ўринли замонавий гўшт мажмуаси қурилиши низоҳасига етпти. Бундай катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб боришда бизга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошбозортайёрловсавдо» акциядорлик жамиятларининг уюшмаси яқиндан ёрдам бермоқда. Албатта бу ўринда шаҳримиздаги 159-қурилиш трести бунёдкорларининг меҳнатларини ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бозоримиз янги-ланмоқда, янги қиёфа кашф этмоқда...

Сўз ва иш бирлигини ўзимизча назардан ўтказиш ниятида бозор айландик, нарх-наво билан қизиқдик, сотувчи ва харидорлар билан суҳбатлашдик. Очиғи, қайси растада бўлмайлик нарх-навода бошқа бозорларга нисбатан қандайдир енгиллик борлигини ҳис этдик. Айниқса гўшт маҳсулотлари сотувида бу нарсга кўзга яққол ташланади. Кўй гўштининг баҳоси минг сўмдан 1300 сўмгача, мол гўшти ҳам деярли шу нархда сотилапти.

— Қадимдан «Эски Жўва» бозорининг таърифи узок-узокларга кетган, — дейди биз билан суҳбатда Камбар ота Қаршибоев. — Шунинг учун бўлса керак бу ерда хориждан келган меҳмонларни ҳам кўплаб учратасиз. Улар билан суҳбатлашсангиз бир овоздан бозорнинг бугунги кўринишидан ҳам, нарх-наводан ҳам мамнун эканликларини айтишади. Бу албатта бозор маъмуриятининг бугунги кун талабидан келиб чиқиб фаолият юргизаётганидан бўлса керак.

— Келесдан анча узокда истиқомат қиламан. Оралиқ масофа олинишга қарамай харид қилиш учун ёки бўлма-са томоқамизда етиштирилган маҳсулотларини сотиш учун ҳам шу бозорга келаман. Бозор хамиша гавжум бўлганлиги учун харид ва сотувингиз тез битади, — дейди Нурия Исмамухамедова.

— «Эски Жўва» бизнинг сеvimли бозоримиз, — дейишда эр-хотин Махбуба ва Эркин Норматовлар. — Шундай замонавий бозорни бунёд этганларга раҳмат. Бозор фаёли ўзгачалиги билан хамиша бизни ўзига қорлаб туради.

Белгиланган довол сари одимлаб бораётган одамда орқага қараб босиб ўтишдан қўлга олишга ҳаракат қилиш керак. Ахир бозор жамоат жойи бўлгандек кейин унда кун бўйи озодалик, тартиб-интизом сақланиши керак. Бу жиҳатдан қараганда бизга кўпроқ «Миробод» ва «Олой» бозорларидан озодалик, тартиб-интизом кўради.

— Ўзим шу яқин атрофда турганим учун «Миробод» бозоридан кўпроқ харид қиламан. Соҳам шундайлигиданми бўлмайман, ҳар гал бу ерга келганимда биринчи галда бозордаги озодалик, орасталикка назар ташлай-

МУЛОҲАЗАНГИЗНИ КУТАМИЗ

Ҳамшаҳарлар фикри

«Бозор» саҳифамизнинг биринчи сонидан «Энг обод бозор» сўрови ҳам ўртага ташланган эди. Ушбу саволимизга газетхонлардан кўплаб мактублар олдик, телефон кўнғироқлари орқали уларнинг фикр ва мулоҳазаларини тингладик. Кўпчилигининг фикрига қараганда «Энг обод бозор» деб «Олой» ва «Миробод» бозорлари эътироф этилмоқда. Шундай тақлифлар «Юнусобод» ва «Қўйлик» бозорлари ҳақида ҳам билдирилган.

— Менимча, бозорларимизнинг ҳаммаси обод. Айниқса сўнгги йилларда уларга катта эътибор қаратилди, — деб ёзади юнусободлик оқшомхон Муҳаббат Иброҳимова. — Бир-биридан гўзал, замонавий бозорлар бунёд этилди. Борлари эса қайта таъмирланди, давр талабига мослаштирилди. Албатта бунинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, миллий анъана ва қадриятларимизнинг тикланишидан.

Белгиланган довол сари одимлаб бораётган одамда орқага қараб босиб ўтишдан қўлга олишга ҳаракат қилиш керак. Ахир бозор жамоат жойи бўлгандек кейин унда кун бўйи озодалик, тартиб-интизом сақланиши керак. Бу жиҳатдан қараганда бизга кўпроқ «Миробод» ва «Олой» бозорларидан озодалик, тартиб-интизом кўради.

— Ўзим шу яқин атрофда турганим учун «Миробод» бозоридан кўпроқ харид қиламан. Соҳам шундайлигиданми бўлмайман, ҳар гал бу ерга келганимда биринчи галда бозордаги озодалик, орасталикка назар ташлай-



либ чиқиб, бошқа бозорларни қамситмаган ҳолда айтганим бўлсам менимча «Энг обод бозор» деган таърифга аввало «Олой» ва «Миробод» бозорлари кўпроқ сазовордир. Чунки бу бозорлар хамиша озода ва саранжом-сарипталиги билан ажралиб туради.

— «Энг обод бозор»ми, билмадик қимга қанақа. Лекин бизга «Олой» ва «Юнусобод» бозорлари ёқади, — деб ўз фикрини телефон орқали қисқатгина баён қилди талаба Шохиста Нуралиева.

— Менга қолса фақат «Янгиобод» бозоридан ташқари ҳамма бозорларни «Энг обод бозор» деб айтар эдим, — деб

ман, Очиғи хамиша раста ва йўлаклар тозаллигига кўзим тушганда қайфияти кўтарилиб кетади. Биров ҳавас қилса арзигулик бозоримиз борлигидан фалондирман. Бироқ маҳсулотлар нарх-навоси бироз қимматроқ. Агар бу борада ҳам қисман енгиллик сезилса нур устига нур бўларди, — деб ўз фикрини баён этди тиббиёт фанлари номзоди Бегмат Ҳасанов.

Тахририятимизга мактуб йўллаган Шарифа Қодирова, Исом Шарипов, Ибодат Тўлаганова, Бахтиёр Олимовлар ҳам «Энг обод бозор» рўйхатида «Олой», «Миробод» ва «Қўйлик» бозорларини кириштирган.

ТАХРИРИЯТДАН: газетхонлар билан навбатдаги мулоқотдан бири «Энг намунали бозор» мавзусида бўлади. Шу ҳақда ўз фикрини билдириш истагида бўлган оқшомхонлар бизга мактуб йўллашлари мумкин. Уларнинг тақлиф ва истаклари газетамизнинг навбатдаги «Бозор» саҳифасида ёритилади.

Манзилимиз: Тошкент 700000, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Тошкент оқшом» тахририяти.

ИЯ, НАҲОТКИ?

«Озадиган» совун

таси фаранглар бир нарсани катта қилиб кўрсата олар эканлар. — Бу ахир кўзбўямачилик эмасми? — Жуда тўғри айтдингиз. Энди мудоага ўтайлик. Мен гапирай, сиз эшитинг.

Хасратидан чанг чиқаётган суҳбатдошлардан бири ўф тортиб сўз бошлади. — Кечагина бозордаги бир аёлдан 120 сўмдан ҳўжалик совунини харид қилган эдим, икки кундан кейин қарасак мактаб сотилган

— Ҳеч замонда бордан йўқ бўлган нарсани эшитганимиз.

— Эшитганман, эл олмаса эллик йил, қўли бўлмаса қирқ йил ўз жойида туради ўша сиз айтган нарсаси.

— Йўқ, дўстим, мен бутунлай бошқа нарсаси ҳақида гапиряйман. Кўз олдингизда учдан иккиси йўқ бўлиб кетиб қўлингизда бир бурда бўлиб қоладиган совун ҳақида гапиряйман.

— Йўқ-е, шунақиси ҳам бўлар эканми? — Ҳа, дўстим, ишонинг келмайди. Бу ус-

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

● Ота-онага муҳаббат ва уларнинг буйруғига итоат болаларнинг бахт-саодатларига, улуг даражаларига эришишларига далолат қилувчи маънавий воситалардир.

● Гўзал муомала ҳурмат ва муносабатни таъмин этади.

● Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, унинг кадр-қиммати ҳам шу даражада ошади. У киши халқ қошида иззат ва иқромга эга бўлади.

● Камтар бўлинг, илму фазлигизга мағрур бўлманг, ўз илму фазлига мағрур бўлиш — ҳақолатнинг бир навидир.

● Ақлли одам кўрганидан ибрат ва эшитганидан насиҳат олади.

● Келгуси ҳаётини ўйлабмасдан иғво ва фасод орасидан юрган киши қоронғу чуқурлик бўшлиғида қолди бўлади.

● Бобораҳим Машраб айтиди:

● Ҳар киши нокас билан ҳамкасодир, Минг шарофатин қасофат босадир.

● Бир донишманднинг шоғирди устозидан:

— Одамлар орасида азгулик қилишга энг сазовор бўлган одам ким? — деб сўради.

— Онанг, — деб жавоб берди устози.

Шоғирди яна сўради:

— Ундан кейин ким?

— Онанг, — деди донишманд устоз.

Шоғирди яна учинчи марта: «Ундан кейин ким?» деб сўраган эди:

— Отанг ва бошқа қавму қариндошларинг, — деб жавоб берди.

● Исқандар Румий бир кун устози Арастудан:

— Эй устоз, мен буюк ишларга қадам қўйдим. Бу ишларим натижасида дўстлар ҳам, душманлар ҳам топаман. Улар билан қандай муомала қилишим керак? — деб сўради.

Арасту ҳақим шундай жавоб берди:

— Илоҳинг борица ўзингга душман пайдо қилма. Бирор киши сенга душманлик кўрсата бошласа, сен унга марҳамат назари билан қара, дилнавоз бўл, шу билан у киши дўстларинг қаторидан жой олади. Дўстларинг ни шайтан ва марҳаматинг билан сарафроз қил, улар сендан ажралмай, самимий дўстларинг бўлиб қолади.

● Хусайн Воиз Кошифий айтиди:

● Бир хатар гирдобига ташлар сени охир шитоб, Мумкин эрмас ҳажд бирла ул макондан тебракмоқ.

● Бўлма тезу хилмининг ойиниши тарк этмағил, Сабрдан ўзга эмас дониш элига ишламоқ.

● ХИКОЯТ. Ардашарнинг ўғли жуда қимматбаҳо либос киёти отаси ёнига келди. Отаси:

— Э ўғлим, бу либосинг қимматли либос эмас, бундай либосни ҳар ким топиб қия олади. Сен ҳеч киши топиб қия олмаган ва подшоҳлар хазинасида бўлмаган жуда қиммат либосни киийшинг керак, — деди.

Ўғли хайрон бўлиб отасидан:

— Ўша сиз таъриф қилган, мисли йўқ либос қайси? — деб сўради.

— Хушфеллик, мулоимлик, ювошлиқдан тўқилган либосдир. Ҳар ким бу сўзни бироз ўйласа, дунёда энг яхши сифат хушфеллик, хушмуомалалик, — деб жавоб берди отаси.

● Саёе — инсоннинг замон ва макон ичида роҳатда яшаб, юқори даражага эга бўлиш тилаги билан ҳаракат этишидир. Саъй-ҳаракат, яшаш ва тараққий этишнинг руҳидир. Инсонлар бу маишат майдонидан ризқ учун ҳаракат қиладилар. Қайси бир одам саъй-ҳаракат қилиб, меҳнатдан бўйин товламаса, энг тараққий этгани ва бахтлиши шу бўлади. Шундай экан, фаровонликда яшаш — биринчидан, унинг саъй-ҳаракатига, гайратига, иккинчидан, унинг ишига, меҳнатига боғлиқдир. Бу сўзнинг тўғрилигига гувоҳлар кўп бўлиб, инсон уларни ҳар кун ўқийди, йўлида ва ҳар ерда кўради. Меҳнатдан қочиб, иш севмаган одамнинг хор-зор бўлиб умр кечиришига, мону дунёсини тежамай исроф қилганларнинг натижада муҳтожликка қолишларига ким шубҳа этгани.

● Хулқ-атвор ва ҳаракатларнинг энг мақбули табиий, содда ва навозишқорона бўлганидир.

● Ҳақиқий дўстага эга бўлганимиздан кейин унга нисбатан бўлган вазифамиз ҳурмат ва самимиятдан иборатдир.

● Ижтимоий вазифаларимиздан бири ҳақиқатга, хайрга, гўзалликка муҳаббатдир.

● Ҳаётда муваффақият қозониш учун фақат бадан ва фикрининг тарбиясига етарли эмас, ахлоқни ҳам тарбия этиш лозимдир.

Байт:

● Қилма улус аҳлу аёлига қасд, Айлама эл жонию молига қасд.

● Ҳар нафаси қайғудан озод бўл, Ёру мусохиблар ила шод бўл.

● Хусайн Воиз Кошифий айтиди:

— Гўзал феъл-атворинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси — яхшилик, иккинчиси — йнсофли бўлиш, учинчиси — бошқа одамдан айб қидирмаслик, тўртинчиси — бирор кишида ноҳўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, бешинчиси — бир одам ўз айби-га иқдор бўлиб, узор сўраса, узрини қабул қилиш, олтинчиси — бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, еттинчиси — фақат ўз манфаатинигина кўзламаслик, саккизинчиси — очик юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчиси — муҳтожларнинг ҳожатини қиариш, ўнинчиси — мулоимли ва тавозеъли бўлишдир.

● ХИКОЯТ. Абу Саид исмли бир мўътабар одам кунлардан бир кун ёру дўстлари учун зиёфат тортиб берди. Ошпазини қақириб:

— Мен яхши кўрганим фалон таомни пишириб олиб кел, — деб буюрди.

Ошпаз у буюрган таомни тайёрлаб бошқа таомлар билан бирга олиб келди. Абу Саид ўзи буюрган таомдан бир лўқма олганди, ундан бир қилин қўриб олиб ташлади, иккинчи, учинчи марта олган лўқмаларида ҳам қил ўчратди. Ниҳоят таомдан қил тортиб, бошқа таомлардан ейишга мажбур бўлди.

Овқатдан кейин ошпазини қақириб:

— Мен буюрган таомни жуда ҳам лаззатли қилиб тайёрлагансан, эртага яна ўша таомдан ичида қил бўлмаслик шарти билан пишириб келтир, — деб буюрди.

Зиёфатда ҳозир бўлганлар Абу Саиднинг латофатли сўзларига қулишдилар ва таажжубланиб:

— Абу Саид дўстимиз ўз ошпазини шундай силлиқ ва мулоим сўзлар айтиб уялтирдик, унга қаттиқроқ танбех беришга ҳожат қолмади, — деб таҳсин, офарин қилдилар.

Байт:

● Кўрмадик сайр айлабон офоқни, Хулқ хушдан ўзга яхшироқни.

Машхур кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотларининг соҳибдори Зоҳид Собитов ҳаёт бўлибди 90 ёшга кирган бўлар эди. Афсуски, у сўнгги фильмини суратга тушираётганда тўсатдан вафот этди. Шунга ҳам яқин 20 йил бўлиб қолди. Тиниб-тинчимас ижодкорнинг хатто ўлими ҳам ижод устида бўлганлиги тасодифий эмас, албатта.

Зоҳид Собитов болалигиданоқ кино санъатига ихлос қўйди. У 30-йилларгача бўлган овозсиз фильмларни қизиқиб томоша қилар, ҳар гал кино санъатига бўлган муҳаббати ошиб борарди. Уша йилларда Сергей Эйзенштейннинг «Потемкин броненосец» деб номланган фильми экранга чиқди. Уни томоша қилгач, ёш Зоҳиджон тамоман оромини йўқотди ва таваккал қилиб машхур санъаткор Сергей Эйзенштейн билан учрашиш мақсадида Москвага йўл олади. Қудират-қудират машхур режиссёр истиқомат қиладиган уйни топади ва у билан юзма-юз кўришади. Сергей Эйзенштейн эш истеъдодли кино-студияга тақлиф қилиб, уни бир неча бор синонад ўтказди. Зоҳиджондаги иқтидорни ҳис этган талант соҳибни уни ўз гуруҳига қабул қилди.

Дастлаб Сергей Эйзенштейн Собитовга фильмларда оммавий сахналарда қатнашиб туришни тақлиф этди. Кейинчалик уни ўзига ассистент қилиб олади. Мана шу йиллар Собитовнинг кино санъати ҳақидаги билимларини янада бойитадиган давр бўлиб унинг ижод саҳифаларига ёзилади.

Худди шу йиллари Сергей Эйзенштейн буюк соҳибқирон Амир

Темур ҳақида фильм яратишни оруз қилиб юрар эди. У бу ниятини Собитовга айтганида шоғирд устозининг бу истагини бажонидил қўллаб-қувватлайди. Икки ижодкор яратилажак фильм ҳақида узоқ фикрлашадилар, бахslashадилар. Шундай кунларнинг бирида, яъни 1939 йилда Москвада нашр этиладиган газета саҳифаларидан бирида мақола эълон қилинади. Ана шу мақола ҳам янги фильмни яратиш

борадилар. Ва нихоят бир неча синовлардан сўнг театр актёри Хикмат Латипов мана шу ролга мос деб топилади. Асосий вазифа киносценариини Москва тасдиқдан ўтказишда қолган эди. Лекин москвалик корчапонлар сценарида Амир Темур ролига кенг ўрин берилганлиги сабабли иш жараёнини тўхтатиб қўйишди. Ваҳоланки, янги фильмнинг бир неча кадрлари суратга тушириб бўлинган эди...

ратга туширилди. Ушбу фильмда бош ролларни Раҳим Пирмухамедов, Лутфиҳоним Саримсоқова, Халима Носирова ва Шукр Бурхоновлар ижро этган.

Уша даврининг машхур фильмларидан бўлган «Фарзандлар»да бош ролни ижро этиш Лутфиҳоним Саримсоқова зиммасига юкланади. Зоҳид Собитов ушбу фильмнинг режиссёри сифатида роль ижрочилари билан узоқ мулоқотлар олиб боради, уларга фильмнинг асосий мағзини очиб бериш учун бор имкониятларини ишга солишда яқиндан ёрдам беради.

Шубҳасиз Собитов ижодида «Фидойи» фильми катта роль ўйнайди. Хусусан камини ҳам ана шу фильмда бош роллардан бирини яратиш устида иш олиб борганман. Ана шунда мен Собитовнинг чинакам талант соҳибни эканлигига тан берганман. У ҳар томонлама кенг қамровли ижодкор ва режиссёр сифатида биз артистларга ўзини намоён эта билган.

Бизни Собитов билан мулоқотимиз йил сайин ортиб борди. Шундай кунларнинг бирида у менга генерал Собир Раҳимов ҳақида фильм яратишга киришганлиги ва бош ролни менга топшириш ниятида эканлигини билдирди. Мен бажонидил бу тақлифни қабул қилдим...

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Зоҳид Собитов шубҳасиз Комил Ерматов, Наби Ганиев, Шукрат Аббосов, Латиф Файзиев сингари «Ўзбекфильм» даргалари билан тенглаша оладиган ва улар билан тенг қаторда тура оладиган талант соҳиб эди.

Зиқир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.



ХОТИРА УЙФОНСА ҒЪЗАЛДИР... Истеъдодли санъаткор эди

ишига яна бир туртки бўлиб хизмат қилди. Эйзенштейн ва Собитов биргаликда Ўзбекистон сафарига отланадилар. Бу ердаги бунёдкорликларни кўздан кечирган ижодкорлар шу ҳаётини «Ўзбекфильм» билан боғлайди. Албатта у биринчи йилларда кўпроқ қисқа метражли хужжатли фильмлар яратиш билан шуғулланади.

Зоҳид Собитовнинг ижодини сезган машхур кинорежиссёр Комил Ерматов уни «Ўзбекфильм» студиясига тақлиф этди. Собитов шундан сўнг Ўзбекистонга қайтиб келади ва бутун ижодини «Ўзбекфильм» билан боғлайди. Албатта у биринчи йилларда кўпроқ қисқа метражли хужжатли фильмлар яратиш билан шуғулланади.

Уша йилларда ҳам «Ўзбекфильм» ижодкорлари томошабинлар руҳига мос бўлган бадиий фильмлар яратиш устида иш олиб боришни тўхтатишмаган. Бу хусусда гап бораганда «Алишер Навоий» фильмининг қайт этиб ўтиш лозим бўлади. Мана шу фильмнинг яратишида Комил Ерматов билан бирга Зоҳид Собитовнинг ҳиссаси катта бўлди. Шундан кейин «Асал» деб номланган фильм су-

Зиё улашиш бахти

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

Она юртимизнинг ҳар бир кунини воқеа-ҳодисаларга, қувончли дамларга тўла. Ҳаётимизда рўй бераётган бекиёс ўзгаришларни, янгиликларни ўз вақтида халққа етказишдек шарофатли ва масъулиятли вазифа оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига юклатилган. Мустақиллик шарофати ила ана шундай нашрларимиз сони кўпайгандан кўпайиб бораётганлиги ҳам қалбларимизда фахр ва ифтихор ҳисларини уйғотди.

Бинобарин биз ҳар бир кунимизнинг воқеаларга бойлиги ҳақида фикр юритдик. Ана шу воқеаларни матбуот саҳифаларига олиб чиқишнинг ўзи масъулиятли вазифа, лекин оммавий ахборот нашрларини ўз муштарийларига вақтида етказиб бериш ҳам ундан ҳам масъулиятли. Бу борада республика «Матбуот тарқатувчи» уюшмаси жамоасининг саёй-ҳаракатлари ҳар қанча мақтовга лойиқдир.

Шу ўринда ана шу уюшмага моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келаётган Рустам Қосимов ҳақида ҳар қанча илқ сўзларни айтса арзийди. Асло тиниб-тинчишни билмайдиган, элиб-югуриб юрадиган, ўз танлаган касбига чин дилдан ихлос қўйган Рустам Қосимов мана бир неча йилдирки, ана шу уюшма ишларини ташкил этишга бош-қошлик қилиб келмоқда. Камтарин ва хокисор бу инсонни биз матбуот анжуманларида, газета ва журналларнинг таҳририятларида, фарзандларимизнинг тўйларида ва бошқа маросимларда тез-тез кўриб тураемиз. Ҳар доим ғайрат-шижоатга тўлиқ, юзидан табассум аримайдиган бу инсон халқимизга зиё улашишдек хайрли ва савобли ишда чарчасмасдан, бир ғайра-

тига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилиб келмоқда.

Маълумки, ҳозирги пайтда ҳар соҳада тadbиркорликка ва омилкорликка алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Рустам Қосимовда ҳам ана шундай ишбилармонлик, тadbиркорлик хислатлари мужассам.

Халқимизда «Интиланганга толе ёр», деган аjoyиб нақл бор. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Рустам Қосимов доимо бадий ишга ишланишда, ўзи раҳбарлик қилиб келаётган кўп минг кишилик жамоада ишловчи ҳар бир кишининг қалбига йўл топишга, уларнинг оғирини енгил қилишга, керак бўлган ҳолларда қўлидан келган амалий ёрдамларини кўрсатишга ҳозир нозир бўлган олдий ва самимий инсон сифатида уларнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

«Умр оқар дарё», дейдилар. Ана шу гапда ҳикмат кўп экан. Бунга ўзининг эллик йиллик умри давомида Рустам Қосимов кўп бора амин бўлди. Ана шу йиллар мобайнида у одамларга қўлдан келган яхшиликни қилишни, ўзи учун саодатли бурч деб билди ва ана шу бурчига доимо солиқ бўлиб келмоқда.

Шу кунларда «Матбуот тарқатувчи» уюшмаси ходимлари халқимизга зиё улашишдек шарофатли вазифани бажариш йўлида янада ғайрат ва шижоат кўрсатмоқдалар. Ана шу эзгу мақсад йўлида жамоага раҳбарлик қилиб келаётган Рустам Қосимовга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва шарофатли ҳамда масъулиятли вазифада ҳамisha омад ёр бўлишини, фарзандлари роҳатини ва бахтини кўришни чин дилдан тилаб қоламиз.

Хондамир СОЛИХОВ



Сайёра Сидиқматова 1998 йилдан буён «Пахтакор» стадиони теннис кортларида спортнинг теннис тури билан шуғулланиб келади. Унинг орузси юртимизнинг тажрибали ракетка устаси бўлишидир.

Равил Альбеков олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ёшлар диққатига!

Миробод тумани ҳокимлиги ва Меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими 2001 йил 14 сентябрь кунини соат 9.00 дан 14.00 гача Темирйўлчилар саройида банд бўлмаган ёшлар учун бўш иш ўринлар ва вакант лавозимлар ярмаркасини ўтказди.

Ярмаркада Тошкент шаҳар корхоналарида мавжуд бўлган ёш мутахассислар учун бўш иш ўринлар ва барча мутахассисликлар бўйича қисқа муддатли ўқини тақлиф қилинади. Барча хизматларимиз бепул, ўқини даврида стипендия тўланади.

Манзил: Миробод тумани, Шимолий вокзал, Темирйўлчилар саройи.
Транспортлар:
Автобуслар: 2, 3, 16, 22, 25, 55, 81.
Трамвайлар: 1, 2, 5, 25.
Бекат «Шимолий вокзал».
Метро: «Тошкент» бекати.
Маълумот учун телефонлар:
54-46-31, 55-86-38, 54-46-69.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 82-мактаб томонидан Абдунозир Абдумаликович Рашидов номига 1994-95 ўқув йили учун берилган АО №223654-рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Лақма одам

Ўтган замонда Жумабой исми киши эшакни миниб кетаётганида одамлар:

— Сиз меҳсиз ота экансиз, ҳузурингизни уйлаб ўғлингизни пиеда юргизасиз, — дейишибди.

Жумабой одамларнинг бу гапидан ҳижолат бўлиб ўғлини эшакка миндириб ўзи пиеда йўлни давом эттирибди. Бунини кўрганлар:

— Ҳой бола, отадан улўғинсон бўлмайди, эшак устидан пастга тушиб ўринига отангн юрадиган бўлибди. Аммо одамлар яна ишининг кўзини биладиган киши от-аравани сотиб ўзини қийнамайди дейишибди. Шу орада Жумабой фавқуллодда бир донишманд киши билан учрашиб бошидан ўтган ҳодисаларни унга гапириб берибди.

— Жумабой, — дебди у киши, — сизга ўхшаганларни ўта содда, ожиз ва лақма инсонлар дейишди. Бу тоифа кимсаларда журъат ва жасорат бўлмайди, новдага ўхшаб ҳар томонга эгилверади. Бундайларни кўпроқ ҳазил ва мазак қилишни яхши кўрадиган кимсалар лақмалар деб ҳузур қилдилар. Масалан, сизнинг бошигингизни айлантирган одамлар ҳам шулар жумласидандир. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир киши мустақил фикр юритадиган бўлгандагина бировларнинг сўзларига кўр-кўрона эргашмайди. Фожа ана шундаки, ўғлингизни ҳам ўзингизга ўхшатиб лақма қилиб қўйибсиз. Наҳотки у бирор маротаба сизни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилмаган бўлса. Аксинча нима десангиз оқибатини ўйламай шуни сўзсиз адо этаверган. Аслини олганда соддалик ва лақмалик ҳам бир касалликнинг аломатидир. Отангиз ниҳоятда жасоратли киши эдилар. Сиздаги камчилиқ дардга чалинишнинг маҳсулидир. Мана бу дорини бир ой мобайнида ота-бола ичинлар, ажаб эмаски фойдаси тегса.

Жумабой ака ва ўғли донишманднинг айтганини қилишибди ва дардан тузалишибди. Одамлар ҳам уларга ҳайратланиб асло тегажоглиқ қилмайдиган бўлишибди.

ҲАМИД ЗИЁЕВ,
профессор.

ШИФОКОР ОҒОҲЛАНТИРАДИ

Ўткир юқумли касаллик

Кутуриш касаллиги ўткир юқумли касаллик бўлиб, асосан ҳайвонлардан жараҳатланган натижада ўтади. Касалликни чакирувчиси вирус бўлиб, касал ҳайвонларнинг нерв тўқималарида тўпланади ва кўпаяди ҳамда сўлаги орқали ажралади. Одамларни ҳайвонлар тийлашганда сўлақари орқали вирус тери шиллиқ қаватларига кирилади ва тери ости ёғ қатлами орқали нерв тўқималари бўйлаб марказий нерв системаси — бош миёга томон ҳаракат қилади. Натижада кутуриш касаллигини келтириб чиқаради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу касаллик бедаво бўлиб, ўлим билан тугайди. Касалликнинг белгилари — тана ҳарорати кўтарилади, жараҳатланган жойдаги яра-лар зиркираб оғрийди, нафас олиш юзаси бўлади, кам қувватлилик, кўнгил айнаш, қусиш холлари бўлиб безовталаниб кучаяди.

Кутуриш касаллигининг олдини олиш учун жараҳатланган шахс тезликда тиббиёт муассасасига мурожаат қилиши керак.

Шунингдек ит сотиб олганда уни етти кун мобайнида рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳар йили йилнинг бошида қайта рўйхатдан ўтказиш, кутуриш касаллигининг олдини олувчи мажбурий эмлаш учун ҳудудий-ветеринария муассасаларига олиб келиш шарт.

Итларни турар жойлардан алоҳида ажратилган бинаолар ва ҳудудлардан умумий ҳовлига, кўчага фақат қалта бўйинбоғларда, йирик ҳайвонларни тумшўқбоғларда фуқароларнинг ҳавфсизлигини албатта таъминлаган ҳолда олиб чиқиш керак.

Ит одамларни ёки ҳайвонларни тийлашган тақдирда уни дарҳол текшириш учун ветеринария муассасасига олиб бориш керак.

Кўчаларда, йўлларда эгасиз дайди итларни учратсангиз ит тутиш ҳужжаликарига хабар бериш. Телефон: 133-44-55.

Ф. НИФМОНОВА,
Собир Раҳимов тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врач-эпидемиолог.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтовларни, ниҳоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:
133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-КАВАТ,
204-ХОНА.

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги фахрий **Тўйчи Ҳайдарович ҲАЙДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ёзувчи» наشريети жамоаси наشريёт бош ҳисобчиси Муяссар Паттахона Маҳмудова волидан муҳтарамалари **Насиба СОЙПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бужиб дунё

«Севги анатомияси»

Севишганларнинг кўзлари қақнаб туради, деган гап юради ёқ орасида. Бироқ шу олий туйғуга эга бўлган кишиларнинг миёналарида ҳам ана шундай ҳодиса содир бўлар экан.

Лондон университетининг олимлари Вашингтонда ўтказилган нейрхирургия органлари жамиятининг конгрессига ўзларининг кўп йиллик тажрибаларининг натижаси ўлароқ севиш ром этган кишилар ўз севишлиларига рўбарў келганда уларнинг миёналари фаолроқ ишлашини маълум қилдилар. Шу аснода миёнанинг баъзи зоналари ёриша бошлар экан.

Англиялик олимлар «севиш анатомияси»ни ҳозирги замон техник воситалари орқали кузатиб шундай хулосага келганлар. Олимлар севиш домига илинган бир қанча йигит ва қиз талабаларда бўладиган ўзгаришларни ўрганганлар. Йигитни изтиробларга солган барнонинг сурати экранда пайдо бўлиши биланоқ кузатилаётган объект дарҳол таъсирланган, уни мия қобилигининг қон оқиб келган олд қисми ва бошқа зонаси ҳам ўзидан ёруғлик чиқарган. Яъни инглиз олимлари тили билан айтганда «романтик севиш» учун «жавоб» берадиган зоналари ёруғлашган.

Ким кўп ичади?

Шу савол юзасидан Алкоголизмнинг олдини олиш Франция миллий ассоциацияси қатор давлатлар ҳамда вино, пиво ва кучли алкогольли ичимликлар ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тадқиқот ишларини амалга оширди. Натижада 1-ўрин Португалияга (йилгига жон бошига 11,3 литр алкогольли ичимлик), 2-ўрин Люксембургга (11,2 литр) берилди. Кейинги ўринларни рўйхатда Франция, Венгрия, Испания, Чехия, Дания, Олмония, Австрия, Швейцария, Ирландиялар эгаллашди.

Йўли топилди

Руминия миллий темир йўл компанияси чорак аср олдин фойдаланишдан чиқарилган паровозларни қаргаси сиздиришни билмай боши қотаётган эди. Лекин йўли топилди. Компания мамлакат захира йўлларидан занглаб ётган икки локомотивни германиялик коллекционер Мануел Юссенга металл парчаси нархида (1 тоннаси — 250 марка) сотиб юборди. Кейин Австриядан ҳам паровоз ишқибозлари чиқиқ қолди. Шундай қилиб, қачонлардан бўён занглаб, қаровсиз ётган эски локомотивлар бозори чакқон молга айланишни халёига ҳам келтирмаган Руминия миллий темир йўл компанияси ҳозиргача 16 локомотивни сотишга муваффақ бўлди.

Кемага ўхшайди

Германиядаги янги шаҳар кутубхонасини Марио Ботт Дортмунда — архитектура бой шаҳарга совға қилди. Унинг жиловаси, айнакча кечаси ёрқин кўринади. Чунки у ой-навад, ярим ой шаклида бўлиб, бош вокзал қаршида жойлашган, ўзга сайёрадан эндигина учиб келиб қўнган кемага ўхшайди.

Швейцариялик архитектор ўзининг сўнгги бу ишида ойналар жиловасини тошлар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Бинонинг бир қисми махсус гишдан қурилган бўлиб, унда хоналар, архивлар, маъжуд. Кутубхона очилганидан бир ой кейин унинг мавқеи охиб кетди.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қороз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.